**ТАСДИҚЛАЙМАН**
**“TUPROQSIFATTAHLIL” DUK**
**Бош директор**
**_________ О.А.Жабборов**
**2022 йил “3” февраль.**

**“Тупроқсифаттаҳлил” ДУК томонидан 2022 йил I-ярим йилликда амалга ошириладиган устувор вазифалар**

**ИШ РЕЖАСИ**

| № | Устувор вазифалар | Муддати | Масъуллар |
|---|---|---|---|
| | **Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида амалга ошириладиган ишлар** | | |
| 1 | Сурхондарё вилоятининг барча туманларида жами **270,0 минг гектар** суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш бўйича тайёргарлик ва дала ишларини бажариш. | 2022 йил<br>март-июнь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| 2 | Сурхондарё вилоятининг барча туманларида 270,0 минг га ва Андижон вилоятининг барча туманларида 231,0 минг га жами **501,0 минг гектар** ер майдонларида агрокимёвий картограмма тузиш бўйича тайёргарлик ва дала ишларини бажариш. | 2022 йил<br>март-июнь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| 3 | Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг шўрланишга моил бўлган ер майдонларидан **305,3 минг гектар** майдонида шўрланиш даражаларини аниқлаш ва хариталарини тузиш бўйича тайёргарлик ишларини бажариш. | 2022 йил<br>май-июнь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| | **Аграр ислоҳотларнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича** | | |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6061-сон Фармонинг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, | 2022 йил<br>январь-февраль | Жабборов О<br>Мусаев Б |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг *қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир* ***вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари*** **Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган.**<br>Мазкур фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2013 йил 30 октябрдаги 21-сон “Тупроқ бонитировкаси ишларини ўтказиш ва ҳужжатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2521, 2013 йил 7 ноябрь)га тегишли ўзгартиришлар киритиш. | | |
| **Комплекс раҳбари ҳузурида муҳокама этиладиган масалалар** | | | |
| 5 | "Тупроқсифаттаҳлил" ДУК тупроқ синов лабораториясининг ҳалқаро ва миллий аккредитация соҳасини янада кенгайтириш учун янги замонавий ресурстежамкор ва ҳалқаро стандартларга мос лаборатория жиҳозларини харид қилиш. | 2022 йил январь-март | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| **Ҳудудларда амалга ошириладиган амалий чора-тадбирлар** | | | |
| 6 | Қашқадарё вилоятида 107,0 минг га, Навоий вилоятида 20,0 минг га, Сурхондарё вилоятида 40,0 минг га ва Тошкент вилоятида 34,0 минг га жами **201,0 минг** гектар лалми ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишларини якунлаш. | 2022 йил январь-июнь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| **2022 йил II-ярим йилликда бажариладиган устувор вазифалар (йўналишлар)** | | | |
| 7 | 2022 йилда Сурхондарё вилоятида жами **270,0 минг гектар** суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тўлиқ якунлаш. | 2022 йил июль-декабрь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| 8 | Сурхондарё вилоятида 270,0 минг га ва Андижон вилоятида 231,0 минг га жами **501,0 минг гектар** ер майдонларда агрокимёвий картограмма тузиш ишларини якунлаш. | 2022 йил июль-декабрь | Жабборов О<br>Мусаев Ж |
| 9 | Навоий, Наманган, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг шўрланишга | 2022 йил | Жабборов О |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | моил бўлган ер майдонларидан **305,3 минг** гектар ер майдонида шўрланиш даражаларини аниқлаш ва хариталарини тузиш ишларини бажариш. | июль-декабрь | Мусаев Ж |
| **I.** | ***Ижро интизоми ва девонхона назоратининг 2022 йил I ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси*** | | |
| **1** | Корхонада жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар билан ишлаш бўйича олиб борилаётган ишларни таҳлил қилиб, таҳлил натижаларини ҳар ҳафта бош директор томонидан ўтказиладиган умумий йиғилишларда муҳокама қилиш учун тақдим этиб бориш. | Ҳар ҳафта | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| **2** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал (халк) қабулхонаси, “ijro.gov.uz” тизими орқали корхонага келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳар бирини қонун талабларига қатъий амал қилган ҳолда кўриб чиқилишини ва уларга ўз вақтида жавоблар юборилишини таъминлаш. | Белгиланган муддатларда | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| **3** | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ кўриб чиқилиши бўйича ишларни олиб бориш. | Даврий равишда | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| **4** | Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 35-моддасига мувофиқ ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш (умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўриладиган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар) уларнинг натижаларини расмий веб-сайтда эълон қилиб бориш. | Ҳар чорак якунида | Саримсаков Ф<br>Нурматова З<br>С.Болтаева |
| **5** | Ҳар бир мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш мақсадида унда баён этилган ҳар бир масалани чукур ўрганилиши, зарурий чора-тадбир белгиланиши ва амалга оширилиши ҳамда муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан барча бўлим бошлиқлари ва масъул ижрочиларнинг тақдим этган маълумотларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада масъул | Ҳар ҳафта | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ходимларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаб, раҳбариятга киритиш. | | |
| 6 | Корхонада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, ижро мониторингини юритиш ва чорак якуни бўйича ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш борасида таҳлилий ишларни муҳокама этиш. | Ҳар чорак якунида | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| 7 | Корхона ижро интизоми ва девонхона назорати томонидан жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни ҳар куни, кун давомида назоратдан чиқариш ва назорат муддати бузилаётган мурожаатлар рўйхатини тузиб корхона бош директори ва бош директор ўринбосарига киритиш ва ижроси таъминланган мурожаатларни ўз вақтида назоратдан чиқариш. | Доимий | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| 8 | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2018 йил 21 ноябрдаги 07-2955-сонли топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида корхонада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни вазирликка тақдим этиш. | Ҳар чорак якунида | Саримсаков Ф<br>Нурматова З |
| | **II. Касаба уюшмасининг 2022 йил I ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси** | | |
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил, 30 октябрдаги ПФ-6099-сонли “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида, корхонанинг бўлимлари ўртасида спорт мусобақаларини ташкил қилиш ва энг фаол ходимларни саралаб олиб уларни рағбатлантириш. | Ҳар ойнинг бошида | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>Юлдашева Н<br>Умирзақов Д |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам тадбирини ташкиллаштириш. | Январь | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>Юлдашева Н<br>Акбарова Н |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | | Бўриев Б |
| 3 | Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3514 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ходимларни юртимизнинг тарихий обидалари жойлашган шаҳарлардан бири Бухоро шаҳрига ташрифини ташкиллаштириш. | Февраль-июнь | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>Юлдашева Н<br>Акбарова Н<br>Бўриев Б |
| 4 | "8-март Халқаро Хотин-қизлар" куни муносабати билан корхона аёлларини муносиб тарзда табриклаш ва кўнгил очар байрам тадбирини ташкил қилиш. | Март | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>Юлдашева Н<br>Акбарова Н<br>Бўриев Б<br>Абдугаффаров А |
| 5 | "21-март Наврўз умумхалқ байрами" муносабати билан корхона ходимлари ўртасида спорт (футбол, стол теннис, шахмат-шашка) мусобақаларини ташкил этиш. | Март-апрель | Мусаев Ж<br>Акбарова Н<br>Юлдашева Н<br>Бўриев Б |
| 6 | "9-май Хотира ва қадрлаш" куни муносабати билан корхонада ишлаган ва ҳозирда нафақада бўлган ходимлардан хабаб олиш. | Май | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>Юлдашева Н |
| 7 | "1-июнь болаларни ҳимоя қилиш" кунига ходимларнинг фарзандларига касаба уюшмаси томонидан истироҳат боғларига чипталар тарқатиш. | Июнь | Юлдашева Н<br>Адилбекова Д<br>Бўриев Б<br>Абдугаффаров А |
| **III. Илмий инноватцион лойихалар ва Халқаро алоқалар бўлимининг 2022 I ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси** | | | |
| 1 | Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, миллий ва халқаро ташкилотлар, фондлар томонидан молиялаштириладиган грантлар, "Start up" танловларида, илмий, амалий, фундаментал ва | Доимий | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж<br>барча бўлим |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | инновацион лойиҳалар танловларида иштирок этиш. | | бошлиқлари |
| 2 | 12-13 Апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ер ресурслари ва биохилма-хилликни бошқариш бўйича Халқаро конференция (SERBEMA-2022) ташкил қилиш ва Конференцияда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотлари иштирокини таъминлаш. | 2022 йил<br>12-13 апрель | Саримсаков Ф<br>Мусаев Ж |
| 3 | “Тупроқсифаттаҳлил” ДУК тупроқ синов лабораториясининг “TURKAK” томонидан берилган халқаро аккредитация йўналишини қўшимча 10 та синов методлари билан кенгайтириш. | 2022 йил<br>май-июнь | Саримсаков Ф<br>Мусаев.Ж<br>Коженкова И |
| 4 | Туркия Стандартлари институти ва Туркия тупроқшунослик институти билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган халқаро ISO-17025 тупроқ синов таҳлили методлари бўйича халқаро ўқув семинарида малака оширишни ташкиллаштириш. | август-сентябрь | Саримсаков Ф<br>Мусаев.Ж<br>Коженкова И |
| **IV. Оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимининг 2022 I ярим йиллиги учун мўлжалланган иш режаси** | | | |
| 1 | Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари, хусусан, телеканаллар ва интернет сайтлари орқали ташкилот фаолиятини кенг ёритиб бориш. | Доимий | Саримсаков Ф<br>Олимов Ж<br>Болтаева С |
| 2 | Корхонанинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, хусусан, телеграмм каналида ташкилотда амалга оширилаётган ишлар, корхона олим ва мутахассисларининг илмий изланишлари, ахборот ва мақолалари, ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар тўғрисида туркум материаллар бериб бориш. | Доимий | Саримсаков Ф<br>Олимов Ж<br>Болтаева С |